O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 27 октябрь, № 223 (3498) Чоршанба


## ПРЕЗИДЕНТ ҚУТЛОВИ

*2004 йил қишлоқ хўжалиги соҳасида бутун юртимиз учун ижобий бурилиш, сезиларли юксалиш йили бўлди. Айниқса, пахтачиликда қўлга киритилаётган натижалар, вилоятларимизнинг бирин-кетин шартнома режасини адо этиб, зафар маррасига эришаётгани барчамизни қувонтирмоқда.*

*26 октябрь куни Андижон ва Самарқанд вилояти меҳнаткашлари ҳам пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажардилар. Андижонлик деҳқонлар 310 минг тонналик катта хирмон кўтарган бўлсалар, Самарқанд вилояти миришкорлари давлатга 235 минг тонна пахта сотишди.*

*Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов ҳар икки вилоят пахтакорларини, ушбу меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни самимий табриклади.*

*Эзгу ният йўлида интилиб, изланиб яшаётган андижонлик ва самарқандлик уста пахтакорларнинг бу улкан ютуғи аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, ишни ташкил этиш ва деҳқон меҳнатини рағбатлантириш борасидаги янгича ёндашув ва қарашларнинг, Андижон технологияси, Самарқанд деҳқончилик мактаби анъаналарининг амалий маҳсулидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар икки вилоят меҳнаткашлари эришаётган бу юксак натижалар мазкур ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, бинобарин, одамларимизнинг турмуш шароитини яхшилашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.*

*Давлатимиз раҳбари андижонлик ва самарқандлик миришкорларни муборакбод этиб, йил бўйи қилган ҳалол ва фидокорона меҳнатлари учун миннатдорлик изҳор қилди, уларга доимо сиҳат-саломатлик ва бахту саодат ёр бўлишини тилади.*

**(ЎзА).**



**“Ўзэкспомарказ”да “TEXTILE EXPO UZBEKISTAN” биринчи халқаро кўргазмаси очилди. Уни ITE Group PLC (Буюк Британия) ва ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компаниялари “Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компанияси кўмагида ташкил этди.**

## ХАЛҚАРО ТЎҚИМАЧИЛИК КЎРГАЗМАСИ



***Бу ерда дунёнинг 14 мамлакати ва мамлакатимиздан 70 га яқин фирма ва компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.***

***Уч кун давомида кўргазмага ташриф буюрганлар нафақат хорижий, балки ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчиларнинг хилма-хил маҳсулотлари билан ҳам танишади.***

***Кўргазмада тўқимачилик ва тикувчилик ускуналари, тўқимачилик саноатида кимё, ишлаб чиқариш технологиялари, ипли ва бўз матолар, синтетик толалар ва матолар, гиламлар, трикотаж ва пайпоқлар, маиший тўқимачилик, мода ва кийимларни моделлаштириш ва бошқа бўлимлар билан ҳам танишиш мумкин.***

***Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов иштирок этди.***

**Жамшид РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: кўргазманинг очилишидан лавҳа.**
**Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

Парламент соати

## Қимматли қоғозлар — эътиборда

***Кеча Республика Биржалар марказининг мажлислар залида Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама қилинди. Йиғилишни қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди.***

Бугунги кунда мамлакатимизда мазкур Қонунга мувофиқ, қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси, 32 та депозитарий фаолият кўрсатаётир. Уларнинг 13 таси Тошкент шаҳрига тўғри келади. Бу депозитарийларда қарийб 518 минг депонентнинг депо ҳисоблари юритилади. Ушбу депо ҳисобларининг 16 мингдан кўпроғи юридик шахсларга, 510 мингга яқини эса жисмоний шахсларга тегишлидир. Бугунга келиб, депо ҳисобларида жами 241 млрд. сўмга яқин ва 213946 минг дона қимматли қоғозларнинг ҳисоби юритиб келинмоқда.

Йиғилишда айрим депозитарийларда депозитар ҳисоб юритиш технологиясига тўла амал қилинмаётгани, марказий депозитарий билан электрон алоқани йўлга қўйишда ҳам камчиликлар мавжудлиги, иш юритиш регламентларига риоя қилмаслик ва ички назорат етарли даражада эмаслигига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозорини самарали ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратди. Аммо мутасадди ташкилотлар ушбу имкониятлардан етарли даражада фойдалана олмадилар. Оқибатда тижорат банкларининг қимматли қоғозлардан фойдаланиш орқали корхоналар фаолиятига таъсири сусайди.

Йиғилиш якунида тегишли мутасадди ташкилотларга “Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент шаҳрида ижро этилиши ҳақидаги қарор ҳамда шу масалага оид маълумотнома асосида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш тавсия этилди.

**Зиёда АШУРОВА.**



## ИККИ ВИЛОЯТ ЗАФАРИ

### Андижон

Андижонлик пахтакорлар давлат қабул пунктларига 310 минг тонна пахта топшириб, шартнома режасини бажардилар.

Жалолқудуқ тумани деҳқонлари вилоятда биринчилар қаторида маррага етиб келдилар. 8329 гектар ерга барака уруғи қадаган жалолқудуқликлар 6 октябрь куни шартнома режасини уддаладилар. Қайта ишловчиларга 22,882 тонна пахта етказиб берилди. Жами ҳосилнинг 92 фоизидан зиёди биринчи нав ва биринчи синфга сотилди. Бунинг эвазига туманда 6 миллиард 81 миллион сўмдан зиёд даромад олиш кутилмоқда.

Бугунги кунда Избоскан, Балиқчи, Хўжаобод, Булоқбоши, Олтинкўл, Марҳамат ва Қўрғонтепа туманлари пахтакорлари ҳам қўшимча мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар. Хусусан, Балиқчи туманида ҳосилдорлик 31,3 центнерга етди. 36.033 тонна пахтанинг 91 фоизи биринчи навга

### Самарқанд

Вилоят пахтакорлари Ватан хирмонига 235 минг тонна пахта етказиб бериб, бу борадаги шартномавий режани уддаладилар. Ҳосилнинг асосий қисми — 95 фоиздан кўпроғи биринчи навларга сотилди.

Хўш, бу ютуқ қайси омиллар ҳисобига қўлга киритилди?

— Биринчи галда деҳқонларимизда ерга, мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарганини айтиб ўтиш жоиз, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Шодиқул Нишонов. — Узоққа бормайлик, 2001 йилда Самарқанд пахтачилигидаги аҳвол ниҳоятда ачинарли эди. Ўша йили пахта тайёрлаш режаси 72,4 фоизда қолиб кетган. Оқибатда тармоқдан 4,5 миллиард сўм зарар кўрилди. Орадан бир йил ўтиб, режа бажарилса-да, лекин харажатлар мўлжалдагидан анча юқори бўлди. Бу йил эса ерни шудгорлашдан тортиб то ҳосил пишиб етилгунга қадар барча агротехника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилгани, илғор тажрибаларнинг амалда қўлланиши, пудрат усулида иш юритиш, фермерларга эркинлик берилиши, улар етарли миқдорда минерал ўғит ва

**(Давоми 2-бетда).**

## АДОЛАТ ЧОРРАҲАСИДАГИ СУҲБАТЛАР

«Куч — адолатдадир», деган фикрни соҳибқирон Амир Темур бобомиз таъкидлаб ўтганлар. Алишер Навоий эса:

***«Олам аҳли***
***билингизким, иш эмас душманлиғ,***
***Ёр ўлинг***
***бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш»***

дея олам аҳлини бирликка, биродарликка, алалоқибат, одил ва адолатли бўлишга чорлайди.

Биз айни фурсатда улуғ бобокалонларимизни ва уларнинг муборак каломларини беҳуда эсламадик. Тошкент шаҳридаги Амир Темур ва Алишер Навоий кўчалари кесишган чорраҳада «Dedeman Silk Poad» деган меҳмонхона жойлашган. Куни кеча ана шу масканда халқаро миқёсдаги анжуман (давра суҳбати) бўлиб ўтдики, унда айнан бобокалонларимиз таъкидлаб кетган одиллик ва тўғрилик, ростлик ва ростгўйлик хусусида сўз борди. Аниқроғи, мамлакатимизда ўтказилажак сайловлар, Ўзбекистоннинг бу борадаги қонунчилиги ҳамда адолатли сайловлар ўтказишда халқаро андозалар борасида қизғин гурунглар бўлди. Адолат чорраҳасидаги суҳбатлар кеча тО кечгача давом этди.

Аслида бу мавзудаги гурунгларнинг бошланганига анча бўлди. Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Тошкент ва Бухорода Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси ҳамда Стратегия ва минтақалараро тадқиқот институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дип-

**(Давоми 2-бетда).**

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

### «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев):

қонунларни «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар киритсин;

ўз қарорларини «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 август.

8

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

### Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил**

Қирқиш чизиғи

циялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ равишда олинадиган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга оширади;

мажбурий назоратни амалга оширади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

етарлича асослар бўлган тақдирда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади ҳамда шу билан бир вақтда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга ушбу Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида кўрсатилган операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатмалар йўллайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**10-модда. Махсус ваколатли давлат органи қарорларининг мажбурийлиги**

Махсус ваколатли давлат органининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

#### III. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЁКИ БОШҚА МОЛ-МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

**11-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзгартириш ёхуд тугатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялардир.

**12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари;

инвестиция фондлари, депозитарийлар ва бошқа турдаги инвестиция институтлари;

биржалар;

суғурталовчилар;

лизинг хизмати ёки бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар;

почта алоқаси ташкилотлари;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

нотариал идоралар (нотариуслар).

**13-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операциялар**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, агар уларнинг суммаси операция бажарилаётган кун-

4

Буклаш чизиғи

даги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса ҳамда қуйидаги турларда амалга оширилаётган бўлса, мажбурий назорат қилиниши керак:

иккита ёки ундан ортиқ ҳисобварақлар очиш;

бир кунда ёки бир неча кун мобайнида одатдаги кўламга номувофиқ миқдорда операциялар бажариш;

пул маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобвараққа ўтказиш ва пул маблағларининг Ўзбекистон Республикасига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобварақдан келиб тушиши;

банк омонатларига пул маблағларини нақд ҳолда киритиш;

пул маблағларини нақд ҳолда ҳисобварақдан олиш, ҳисобварақдан ўчириш ёки ҳисобвараққа киритиш, агар бу юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг хусусияти тақозоси бўлмаса;

пул маблағларини жисмоний шахс тақдим қилувчига пул бериладиган ҳужжатлар бўйича олиши;

жисмоний шахс қимматли қоғозларни нақд пулга олиши;

жисмоний шахс юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) пул маблағларини нақд ҳолда киритиши;

учинчи шахслар фойдасига омонат (депозит) очиб, унга пул маблағларини нақд ҳолда жойлаштириш;

чет эл валютасини нақд пулга сотиб олиш ёки сотиш;

бир қимматдаги банкнотни бошқа қимматдаги банкнотга алмаштириш;

мол-мулкни сақлаш учун махсус хоналарни ёки уларда турган сейфларни ижарага олиш учун банк билан шартнома тузиш;

кредит (заём) бериш ёки олиш;

қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ёки бошқа қимматли нарсаларни ломбардга қўйиш;

суғурта шартномаси бўйича суғурта товони (суғурта пули) тўлаш ёки суғурта мукофоти олиш;

лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйналганда ютуқ олиш.

**14-модда. Алоҳида ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операциялар**

Ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ белгиланганидан камроқ суммадаги пул маблағлари ёки мол-мулк билан боғлиқ операция, шу операциянинг тарафларидан бири:

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёки ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, мажбурий назорат қилиниши керак.

**15-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, маж-

5

## Саломатлик, уни қандай асраш керак?

***Бутун Жаҳон саломатлик ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 1 миллиард 572 миллион киши организмда йод етишмаслиги билан боғлиқ турли хасталиклардан азоб чекади. Йод тақчиллиги шароитида яшовчи таваккалчилик гуруҳи бугунги кунда 655 миллион кишини ташкил этади.***

***Қалқонсимон безнинг катталашуви биргина ривожланган Европа мамлакатлари аҳолисининг 11 фоизида кузатилади. Сайёрамизда истиқомат қилаётган 43 миллион кишида эса йод тақчиллиги турли даражадаги руҳий хасталикларни келтириб чиқармоқда.***

***Йод тақчиллигини бартараф этиш — жаҳон ҳамжамиятининг одамлар саломатлигини сақлаш борасидаги муҳим вазифаларидан биридир.***

# «ЙОДИС-КОНЦЕНТРАТ»

### ЙОД ТАҚЧИЛЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТУВЧИ ВОСИТА

Йод тақчиллиги профилактикаси услубларининг моҳияти оддий бўлиб, инсон парҳезини таркибида йод бўлган компонентлар билан сунъий равишда бойитишдан иборат. Бироқ амалда буни бажариш осон эмас, чунки йод ниҳоятда енгил, учувчан элемент бўлиб, иссиқлик таъсири туфайли бирикмалар таркибида доимий сақланиб қола олмайди. Шу сабабли ош тузини йод ва йодит билан бойитиш кенг тарқалган. Амалда бу сайёрамиз аҳолисининг кенг қатлами учун йод тақчиллиги профилактикасининг ягона усулидир.

Бироқ, йодланган ош тузи барча ижобий жиҳатларига қарамай, жиддий камчиликка ҳам эга. Бу — маҳсулотнинг умумий таркибида йод компонентлари миқдорларининг нотекис тақсимланишидир.

Олимлар шундай хулосага келишдики, биронбир алоҳида тадбир билан йод тақчиллиги муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Бу ўринда даволаш ва профилактика, айниқса, йод тақчиллиги кенг тарқалган ҳудудлар учун мажмуавий ёндашув зарур.

Хусусан, украиналик олимлар академик В.Мельниченко раҳбарлигида йоднинг кўп атомли катионларининг концентрацияланган сувли эритмаларини оммавий ишлаб чиқариш услуби, технологиялари ва жиҳозларини ишлаб чиқишди.



Икки йил аввал Семашко номидаги тиббий реабилитация ва физиотерапия илмий текшириш институти қошида ташкил этилган Ўзбекистон — Украина “Укрnative” қўшма корхонаси фаолияти туфайли украиналик олимларнинг илмий ишланмалари бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Йодис” дастури йод тақчиллиги фақат озиқ-овқат маҳсулоти билан ҳал этиладиган анъанавий усуллардан жиддий фарқ қилади.

“Йодис” дастурининг биринчи йўналиши “Йодис-концентрат”нинг умумий овқатланиш жойларида ичимлик, ошхона, минерал-ошхона сувларида, алкоголсиз ва кам алкоголли ичимликларда, нон, гўшт-сут маҳсулотларида қўлланилишини кўзда тутади. Маиший шароитда эса у овқат тайёрлашда қўлланилади.

Дастурнинг иккинчи йўналиши “Йодис-концентрат”ни уй ҳайвонлари ва паррандалар озуқаси таркибига қўшимча сифатида киритиш орқали ўсимлик етиштириш, паррандачилик ва чорвачилик соҳаларида йодланган маҳсулотларни олишдан иборат. Ўсимлик етиштиришда эса ўсимлик ва уруғларни экишдан олдин ишлов беришда, экологик ўғитлар ва химикатларга қўшимча тарзда киритилади.

Мутахассисларнинг фикрича, йод тақчиллиги муаммосини ҳал этишга бундай мажмуавий ёндашув масалани кам харажат сарфлаган ҳолда юқори даражада самарали ҳал этишга кўмаклашади.

“Украмедус” қўшма корхонаси томонидан фойдаланиладиган “йодис” — йод тақчиллигининг олдини олишда ноёб восита бўлиб, дунёда унинг муқобили йўқ. У иккита халқаро ва Украинанинг тўртта патенти билан ҳимояланган. Қўлланилишининг оддийлиги ва ишончлилиги, йод миқдорининг ошиб кетишига йўл қўйилмаслиги, кичик концентрацияларда ҳам юқори даражали ва барқарор биологик фаоллиги ҳамда нархининг арзонлиги ундан аҳолининг ҳамда маҳаллий озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларининг кенг фойдаланишига имконият яратади.

“Украмедус” қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 0,5 ва 2 литрли полиэтилен идишлардаги газли ва газсиз “йодис” минерал сувини истеъмол қилиш инсон организмини йод билан таъминлашнинг муқобил усулидир. У бошқа йодланган маҳсулотларга, хусусан, йодланган сувга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Чунки иссиқ овқат тайёрланаётган пайтда туздан йоднинг деярли 60 фоизи буғланиб кетади. Бу ўринда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, айрим одамлар турли хасталиклар туфайли ош тузини чекланган миқдорда истеъмол қилишади.

Айни пайтда амалиёт шуни кўрсатадики, касал одам ҳам ичимликларни чекланмаган миқдорда истеъмол қилиши мумкин. Шу сабабли организмни ичимлик суви орқали йод билан бойитиш ҳам қулай, ҳам ишончли усулдир.

Кўплаб олимлар, илмий-текшириш институтлари мутахассислари фикрича, йод тақчиллигини бартараф этишга ичимлик сувини шу элементни инсон организми учун нормал даражада концентрацияланган ҳолда йодлаштириш орқали эришиш мумкин.

Ичимлик сувига кўп атомли мусбат зарядланган ионлар билан ишлов бериш механизми батафсил ўрганилган ва унинг самарадорлиги тасдиқланган. Инсоннинг кундалик озиқ-овқат таркибида йодланган ичимлик сувининг қўлланилиши йод тақчиллиги билан курашиш имкониятини кенгайтиради.

Бир сўз билан “йодис-концентрат” йод тақчиллиги олдини олишнинг универсал, фойдаланиш учун қулай ва самарали воситаси бўлиб, айни пайтда антисептик ва дизенфекциялаш хусусиятларига ҳам эга.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда йодланган сувли эритмалар учун “йодис-концентрат”нинг қўлланилиши катта харажатларсиз ва ишлаб чиқариш технологияларини мураккаблаштирмасдан туриб янги истеъмол хусусиятларига эга бўлган турли товарлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳозирги пайтда “Украмедус” қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган ҳолда кунига 10 минг идиш газли ва газсиз йодланган “йодис” сувини ишлаб чиқармоқда.

Келгусида корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини янада кўпайтириш ниятида.

**Мулоқот учун телефон: 135-75-00.**
**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**


Пахта толасини қайта ишлайдиган истеъмолчилар ва корхоналар диққатига !

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ ХОМАШЁ БИРЖАСИ**

2004 йил 28 октябрь куни соат 15.00 да республика истеъмолчиларига миллий валютага

**ПАХТА ТОЛАСИНИ**

сотиш бўйича кимошди савдоларини ўтказади.

Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган куни соат 10.00 дан Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 53-а уйда (Давлат мулк қўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади.

Ҳудудий «Пахтасаноат» уюшмалари томонидан қўйилган пахта толасининг миқдори ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Мол хомашё биржасидан ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: 139-83-88, факс: 139-22-27.



Деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари диққатига !

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ ХОМАШЁ БИРЖАСИ**

2004 йил 9 ноябрь куни соат 11.00 да

**ем ва кунжара**

сотиш бўйича аукцион савдолари ўтказади.

Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган куни соат 9.00 дан Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 53-а уйда (Давлат мулк қўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади.

Янгийўл ва Тошкент ёғ-мой комбинатлари томонидан қўйилган ем ва кунжаранинг миқдори ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Мол хомашё биржасидан ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: 139-83-88, факс: 139-22-27.



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**2004 йилга аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади.**

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги (кундузги) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:**

12.00.01 — *Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи — 1 ўрин.*
12.00.03 — *Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ — 1 ўрин.*
12.00.08 — *Жиноят ҳуқуқи ва криминология; жиноят ижроия ҳуқуқи — 1 ўрин.*

**Докторантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича:**

12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи — 1 ўрин.
12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ — 1 ўрин.

Ҳужжатлар 2004 йил 10 октябрдан 2004 йил 30 октябргача қабул қилинади. Ҳужжат топширувчилар танланган мутахассисликлари бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим. Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик бўйича, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари (инглиз, немис ёки француз)дан иборат бўлади.

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Сайилгоҳ к., 35-уй, илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими. Телефонлар: 132-06-02, 133-45-69.**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:**

**13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи;**
**13.00.08 — Ҳунар таълими назарияси ва усулиёти.**

**Ҳужжатлар 2004 йил 25 ноябргача қабул қилинади.**



**Керакли ҳужжатлар:**

- *институт ректори номига ариза;*
- *ходимларни ҳисобга олиш варақаси ва таржимаи ҳол;*
- *иш жойидан тавсифнома;*
- *ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлари ва ихтиролари эълон қилинмаган бўлса);*
- *диплом ва баҳолардан нусха;*
- *меҳнат дафтарчасининг нусхаси;*
- *нашр этилган илмий ишлар рўйхати;*
- *аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш ёки Давлат аттестация комиссиясининг баённомасидан кўчирма (агар олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса);*
- *тўрт дона фотосурат (3х4), конверт, тезтиккич.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Пушкин к., 7-уй, 7-қават, «Аспирантура» бўлими. Телефонлар: 136-22-12, 136-23-27, 133-18-54.**


## *Тошкентда боғ — қўриқхона*

Кундан кунга чирой очаётган пойтахтимизни яқин йиллар ичида қурилажак истироҳат боғлари ва боғ-қўриқхоналар янада кўркамлаштиради. “Юнусобод”, “Ҳасанбой” ва “Талабалар” деб номланиши режалаштирилаётган истироҳат боғлари шаҳар ва шаҳар меҳмонларининг севимли оромгоҳига айланса, “Юнусобод-Оқтепа” деб номланувчи боғ-қўриқхона тоза экологик ҳудуд яратиш имконини беради.

**Акбар АЛИЕВ.**


**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига !** Товар сертификатланган

**РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!**

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.



«ГАЗ-31105»



«ИЖ-2717»,



«ВАЗ-2106»



«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.


## *ОИТСга қарши тадбир*

***Тошкент (ЎзА мухбири Гўзал Искандарова).*** Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ва Германия техник ҳамкорлик жамиятининг мактаб, коллеж ва лицейлар ўқувчилари орасида ОИТСнинг олдини олишга қаратилган қўшма тадбири давом этмоқда.

Шу кунларда Бухоро ва Самарқандда унинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Унда Қизил Ярим Ой жамиятининг “Инсонийлик” ўқув-услубий марказида германиялик ҳамкасблар кўмагида ташкил этилган тиббий-ижтимоий марказ ходимлари ҳамда немис маданият маркази театр гуруҳи иштирок этди. Ўқувчилар билан суҳбатлар, викториналар ташкил этилди, гиёҳвандлар таъсирига тушиб қолиб, ОИТС билан касалланган ёшларнинг фожиаси ҳақида ҳикоя қилувчи “Ертўла” спектакли намойиш этилди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш билан шуғулланувчи тренерлар учун семинар ўтказилди.

Бундай тадбирлар Тошкентда ва Фарғонада ҳам ўтказилди. Тез орада унинг қатнашчилари Наманганда ҳам ўз дастурларини намойиш этади.


**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**2004 йил учун докторантура ва аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ДОКТОРАНТУРАГА**

**06.01.02** — «Мелиорация ва суғорма деҳқончилик» — (1 ўрин)
**08.00.04** — «Микроиқтисод» — (1 ўрин)

**АСПИРАНТУРАГА**

**06.01.02** — «Мелиорация ва суғорма деҳқончилик» (кундузги бўлимга — 1 ўрин)
**08.00.04** — «Микроиқтисод» (кундузги бўлимга — 2 ўрин)
**13.00.08** — «Ҳунар таълими назарияси ва услубияти» (кундузги бўлимга — 2 ўрин)

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, ТИМИ илмий ва амалий тадқиқотлар маркази. Телефонлар: 137-09-45, 137-19-61.



**“Пахта Банк” замонавий сўм пластик карточкаларидан фойдаланинг !**




1. “Пахта Банк” сўм пластик карточкаси — бу сизнинг ҳамёнингиздир. Республикамизнинг исталган манзилига шу биргина пластик карточка билан бориб келиш имкониятингиз мавжуд.
2. “Пахта Банк” сўм пластик карточка эгалари учун карточкадаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2,5 фоиз устама, ойма-ой капитализация ҳисобига эса йиллик 34,5 фоиз устама даромад ҳисобланади.
3. Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз кифоя. Банк маъмурияти сизнинг ушбу аризангизга асосан 15 дақиқа ичида пластик карточкангизни расмийлаштириб беради.
4. Пластик карточкадан фойдаланиш учун сиз ўзингиз танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз, натижада пластик карточкангиздан ўзга шахсларнинг фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади.
5. Республика миқёсида дўконларга ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.
6. “Пахта Банк” сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.
7. Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.
8. Метрополитендан фойдаланиш мақсадида йўл кира ҳақини пластик карточка орқали тўлашингиз мумкин.
9. Пластик карточкангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.
10. “Пахта Банк” сўм пластик карточкангизнинг ҳисоб рақамига республиканинг исталган бурчагида ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.
11. Пластик карточкангиздаги маблағларни истаган вақтда бутун республика бўйлаб ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.
12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-қарорига асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоизга кам тўлайдилар.
13. “Пахта Банк” сўм пластик карточкангизга доир маълумотлар сир сақланишига ва ҳар ойнинг биринчи кунига фоизли даромадингизни қўшиб боришга кафолат беради.
14. “Пахта Банк” сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.
15. Товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

